

12-1-2018

THE PROSPECTS OF IMPROVING POTENTIAL OF FUEL-ENERGY FIELD

T. Jalilov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Jalilov, T. (2018) "THE PROSPECTS OF IMPROVING POTENTIAL OF FUEL-ENERGY FIELD," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Жалилов Турсунпўлат
Қахрамонович,
Тошкент молия институти
илмий изланувчиси**

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион салоҳиятини оширишнинг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлари тадқиқ этилган, шунингдек, мазкур тармоқ инновацион салоҳиятини ошириш имкониятлари аниқланган ҳамда зарурий шароитларни яратишга қаратилган тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье рассматриваются организационные и экономические условия повышения инновационного потенциала топливно-энергетического сектора, кроме того, определены возможности повышения инновационного потенциала этой сети и даны рекомендации по созданию необходимых условий.

Annotation: The article discusses the organizational and economic conditions for increasing the innovative potential of the fuel and energy sector, in addition, identifies opportunities for improving the innovative potential of this network and makes recommendations for creating the necessary conditions.

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, модернизация, капитал, субсидия, молиявий инструментлар, инновация, диверсификация.

Ключевые слова: конкурентоспособность, модернизация, капитал, субсидии, финансовые инструменты, инновации, диверсификация.

Keywords: competitiveness, modernization, capital, subsidies, financial instruments, innovation, diversification.

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган ислохотлар изчиллик амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш» муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика тармоғида фаолият юритувчи корхоналарфаолиятига инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ва уларнинг моддий-техника базасини тубдан янгилаш йўли билан уни устувор ривожлантиришни тақозо этади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, саноати жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Замонавий ёқилғи-энергетика корхоналари нафақат миллий иқтисодиёт барқарорлигини балки, миллий хўжаликнинг жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, бутун дунё бўйича нефть ишлаб чиқариш ҳажми 2007 йилда бир кунда 82,3 млн. баррелни ташкил этган бўлса, 2017 йил якунида 92,6 млн. баррелга тенг бўлган ҳолда 10,3 млн. баррелга ошган, нефть истеъмоли ҳажми эса, 2017 йил якунида кунига 98,2 млн. баррелни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 11,1 млн. баррелга ошган[12]. Юқоридаги ҳолат, бутун дунёда нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигини ва шунга мутаносиб равишда нефть ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришни тақозо этмоқда, шу боисдан, мазкур тармоқ корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, уларда инновацион салоҳиятни ошириш борасида муҳим чора-тадбирларни кенг қўламда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёқилғи-энергетика тармоғида фаолият юритувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни фаоллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “... юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”[2]. Мазкур ҳолат иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналарининг инновацион фаолиятини молиялаштириш орқали уларнинг инновацион салоҳиятини ошириш масалалари қўлаб хорижий иқтисодчи олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндашувларга эгадир. Жумладан, О.Никулина ёқилғи-энергетика тармоғида илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни ташкил этишда улар фаолиятини инновацион молиялаштиришнинг муҳим аҳамият касб этишини асослаб берган[4].

А.Токарева В.Кирпиченколар ёқилғи-энергетика тармоғида инновацион сиёсатни шакллантириш ва уни амалга ошириш орқали янгиликларни яратиш ва уларни инновацияларга татбиқ этиш, шунингдек инновацияларни капиталлаштириш ва ишлаб чиқариш тармоқларига жорий қилиш орқали тармоқнинг инновацион салоҳиятини ошириш бўйича самарали механизмни яратиш хусусида тўхталиб ўтган[8].

В.Силкин ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналарининг инновацион фаолиятини молиявий таъминлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш методлари хусусида тадқиқотлар олиб борган ҳолда мазкур тармоқда юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини асослаган[9].

В.Маковэса, ёқилғи-энергетика тармоғида инновацион тизимларнинг мақсадли инфратузилмасини шакллантириш ва унинг фаолиятини рағбатлантиришда молия ва солиқ сиёсати инструментларининг ўрни хусусида тадқиқотлар олиб бориб уларнинг тизимли таркибини ишлаб чиққан[10].

О.Белозерцева ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, тармоқ доирасида ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатни шакллантирилиши ва юритилиши натижасида инновацион салоҳиятнинг ошишини ҳамда тармоқ корхоналари фаолиятининг диверсификацияланганлиги доимий равишда инновацияларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этишни рағбатлантиришини асослаб берган[7].

Таҳлил ва натижалар

Дунё мамлакатлари ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда энергетика соҳасида турли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ХХР, Германия, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар етакчилар ҳисобланади. Хитойда ёқилғи-энергетика тармоғидаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли 6,3%, Германия – 5,1%, АҚШ – 4,5%, Японияда – 3,5% энергетика тармоғида инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида асосан техник-технологик инновациялар қўлланилади, чунки улар ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятига қайсидир технологик жараёнларни модернизациялаш ва янгилаш учун жорий қилинади ҳамда корхонанинг модернизация қилинган ишлаб чиқариш қувватларида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш воситасида қўшимча фойда олишига хизмат қилади. Техник-технологик инновацияларни жорий қилишдан олинган даромаддан айнан инновацияларга тегишли қисмини ажратиш жуда қийин. Шундай экан, инновацион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг оддий услубиятлари қўлланилаётган техник-технологик инновацияларнинг барча сифат ва сон тафсилотларини, шунингдек, уларнинг ички табиатини тўлиқ даражада ҳисобга ола олмайди[3].

Мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғида фаолият кўрсатувчи корхоналарда инновацион салоҳиятни ошириш борасидаги чора-тадбирларни қониқарли ҳолатда деб баҳолаб бўлмайди. Масалан, 2017 йилда юртимизда газ ишлаб чиқариш ҳажми 56,5 миллиард куб метрни ташкил этган бўлса-да, аммо мазкур соҳа йиллар давомида модернизация қилинмаганлиги учун йўқотиш миқдори жуда катта бўлиб, 20,0-23,0%ни ташкил этмоқда. Бу бойликнинг катта қисми бекордан-бекорга исроф бўлаётгани албатта барчамизни ўйлантириши, ташвишга солиши керак[2].

Мазкур ҳолатни ёқилғи-энергетика тармоғи бўйича 2007-2017 йилларда асосий фондларнинг эскириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам намоён этмоқда.

1-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоғи бўйича асосий фондларнинг эскириш даражаси (фоизда)[11]

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р										
		2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Бинолар	25,1	25,0	26,1	28,0	29,9	35,1	43,7	22,5	36,5	38,5	39,5
2.	Иншоотлар	19,3	25,5	25,6	26,1	24,1	26,9	24,0	35,6	26,6	25,9	25,3
3.	Узатувчи мосламалар	33,6	32,5	33,0	38,1	38,4	44,9	50,9	57,0	57,7	61,0	57,4
4.	Машиналар ва дастгоҳлар	46,4	47,4	48,3	53,3	48,0	56,0	62,1	75,2	48,6	52,7	52,1
5.	Мебеллар ва офис дастгоҳлари	73,6	54,0	55,1	59,3	74,8	58,8	45,2	28,7	28,0	30,7	69,4
6.	Компьютерлар ва ҳисоблаш техникалари	59,3	60,2	67,6	65,6	65,4	70,1	76,6	27,2	46,4	68,9	66,8
7.	Транспорт воситалари	97,9	36,3	42,4	48,2	45,1	55,8	57,1	53,7	66,8	94,9	73,6
8.	Бошқа асосий фондлар	38,9	39,1	43,8	48,1	17,5	21,0	90,7	42,8	43,6	47,5	31,1
	Ёқилғи-энергетика тармоғи бўйича ўртача даражаси	34,1	32,7	33,7	36,9	35,2	41,3	44,1	48,6	44,7	46,3	42,9

Юқоридаги жадвал маълумотлари 2007-2017 йиллар давомида мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғига тегишли бўлган асосий фондларнинг ўртача эскириш даражаси 32,7%дан (2008 йил) 48,6%гачани (2014 йил) ташкил этганлигидан дарак берапти ва унинг, асосан, йилдан-йилга тобора ўсиб бораётганлиги кўрсатмоқда. Ушбу муаммо асосий фондларнинг алоҳида турлари кесимида кўриб чиқиладиган бўлса, унинг янада мураккаблашаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, шу даврда ёқилғи-энергетика тармоғиасосий фондларининг актив қисмига тегишли бўлган машина ва дастгоҳларнинг эскириш даражаси 2007 йилдаги 46,4%дан 2014 йилдаги 75,2%га етган бўлиб 28,8 фоизли пунктга ошган. Уларнинг компьютер ва ҳисоблаш техникаларига тегишли бўлган қисми учун эса, вазият бундан ҳам мураккаброқ бўлган тусни олган, яъни уларнинг эскириш даражаси 59,3%дан (2007 йил) 76,6%гача (2013 йил) етган ҳолда 17,3 фоизли пунктга ошган. Энг муҳими, ана шу ҳолатни характерлаб бераётган кўрсаткичлар асосий

фондларнинг ҳар икки тури бўйича ҳам 2007-2016 йиллар оралиғида муттасил ўсиб бориш тенденциясига эга. Бироз фарқлар мавжуд бўлса-да, шунга ўхшаш фикрларни асосий фондларнинг бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, транспорт воситалари ва бошқа асосий фондлар каби турларига нисбатан ҳам билдириш мумкин. 2014 йилдан кейинги даврда эса, мазкур кўрсаткич сезиларли даражада пасайган ва 2017 йил якунига кўра 42,9 фоизни ташкил этган ҳолда 5,7 ф.п.га камайган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика тармоғидаги асосий фондларнинг ҳолати, уларнинг эскириш даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг динамикаси ҳозирги даврда ва яқин келажакда мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда ёқилғи-энергетика тармоғига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутаяди, чунки ҳозирги кунда иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатувчи корхоналар фаолиятида янги илмий тадқиқот ишланмалари ва инновацияларни жорий этиш масаласи бевосита молиявий ресурслар таъминотида тақалади.

2-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоғи бўйича геология-қидирув ишларини молиялаштириш ҳажми динамикаси (млрд. сўмда) [11]

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р										
		2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Геология-қидирув ишла-рини молиялаштириш ҳажми	170,9	221,2	231,5	189,3	248,3	329,4	406,0	517,8	754,1	648,4	847,6
	шу жумладан:											
	- бюджет маблағлари ҳисобидан	2,8	1,0	1,2	1,5	1,7	1,9	0,0	0,0	42,9	76,5	51,6
	- ўз маблағлари ҳисобидан	168,1	220,2	230,3	187,8	246,6	327,5	406,0	517,8	711,2	571,9	816,4

Углеводород хомашёси захиралари ўсишининг асосида геология-қидирув ишларини амалга ошириш ётади. Уларни молиялаштиришнинг манбаи, асосан, тармоқ корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобланса-да, бу жараёнда ҳисобланган солиқ суммаларининг бир қисми ҳам уларнинг ихтиёрида қолдирилмоқда. Шунингдек, бу ерда молиялаштириш манбаи сифатида бюджет маблағлари ҳам майдонга чиқмоқда.

Таҳлил натижаларига мувофиқ, 2007-2017 йилларда маъмурий йўналишда 4564,6 млрд. сўм сарфланган бўлса, унинг фақат 161,0 млрд. сўми ёки бор-йўғи 3,5% бюджет маблағларига тўғри келган.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, мамлакатимизда ЁЭК тараққиётини тезлаштиришнинг асосий омили қулай инвестицион муҳитнинг яратилганлиги билан изоҳланади. Шу муносабат билан 2017 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларга 3508,1 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилган бўлиб, у 2007 йилга нисбатан қарийб уч баробарга кўп ҳисобланади. Сўнгги йиллардаги маълумотларнинг кўрсатишича, инвестицияларнинг умумий ҳажмида асосий капиталга 95,0% ва қолган 5,0% эса капитал ремонтга йўналтирилмоқда. 2017 йил ҳолатида эса, жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми фақатгина асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларга тенг бўлмоқда.

Инвестицияларнинг асосий ҳажми мамлакатнинг газотранспорт тизимини яратишга (47,0%дан кўпроғи) ва қазиб олувчи корхоналарни ривожлантиришга (35,0%дан ортиқроғи) сарфланган. Асосий капиталга инвестицияларнинг таркибий тузилмасида 2016 йилда янги корхоналарни қуришга йўналтирилган қисми 22,0%ни, корхоналарни реконструкция қилишга 6,6% ва ҳаракатдаги корхоналарни кенгайтириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга эса 71,4%ни ташкил этган. Булардан кўриниб турибди-ки, бу ерда асосий эътибор тармоқ доирасида инқирозга қарши сиёсатни амалга оширишга қаратилмоқда.


3-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоғи умумий инвестициялари таркибий тузилмасининг динамикаси[11]

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
ЁЭК бўйича инвестицияларнинг умумий ҳажми – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:							
- асосий капиталга	92,5	95,0	93,4	95,4	93,6	95,7	100
- капитал таъмирлашга	7,4	4,7	6,6	4,6	6,4	4,3	0,0
- номоддий активларга	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
- айланма маблағларни тўлдиришга	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
- бошқа мақсадларга	0,0	0,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Амалга оширилган таҳлилларнинг кўрсатишича, 2007-2017 йилларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришга ЁЭКда 25446,0 млрд. сўм, шу жумладан, корхоналарнинг ўз маблағлари – 21428,3 млрд. сўм (ёки 84,2%), бюджет маблағлари – 2,0 млрд. сўм (ёки 0,01%) ва қарз маблағлар – 2361,8 млрд. сўм (ёки 9,3%), хорижий инвестициялар – 1 288,0 млрд. сўм (ёки 5,9%) ва бошқа (нобюджет фонд)лар ҳисобидан 366,7 млрд. сўм (ёки 1,4%) сарфланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимиз ЁЭЖда бевосита хорижий инвестицияларнинг оқими кескин ошди.



Расм. ЁЭЖда 2007-2017 йилларда бевосита хорижий инвестициялар ҳажмининг динамикаси, (млн. АҚШ долларида)[11]

Инвестицияларнинг умумий ҳажмида уларнинг катта қисми қурилиш-монтаж ишларига ва машина ҳамда дастгоҳларни сотиб олишга, яъни тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил этувчи асосий фондларни яратишга йўналтирилган. 2007-2017 йилларда ЁЭЖ бўйича асосий фондларнинг бошланғич қиймати 4,2 мартага ўсиб 2017 йилнинг 1 январидан уларнинг умумий суммаси 26 167,1 млрд. сўмга тенг бўлган, шу жумладан, “Ўзнефтьгаз қазиб олиш” АК бўйича 6,2 марта ўсиб, 17 479,2 млрд сўмни, газни транспортировка қилувчи корхоналар бўйича 15 мартага ўсиб, 6 831,0 млрд. сўмни ва ниҳоят, нефтьни қайта ишловчи корхоналар бўйича эса қарийб 6 мартага ўсиб, 878,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш борасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида мазкур тармоқнинг инновацион салоҳиятини юксалтириш муҳим ўрин тутди.

Бизнинг фикримизча, миллий иқтисодиётда ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион салоҳиятини оширишда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ:

– ёқилғи-энергетика тармоғидаги инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш, бунда миллий ёқилғи-энергетика тармоғининг жаҳондаги шу тармоқда фаолият юритувчи етакчи компаниялар билан илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш лозим.

– ёқилғи-энергетика тармоғида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда инновация соҳаларини, энг аввало, устувор ва барқарор даражада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, дастлаб, бу ердаги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш инвестицион чегирмалар, солиққа тортиладиган даромаддан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг жорий харажатларини тўлиқ ёки қисман чиқариб ташлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг ўсган қисмига солиқ кредитини тақдим этиш, фойда солиғига нисбатан чегирмаларни қўллаш ва шунга ўхшашлар ҳисобига амалга ошириш лозим.

Турли кўринишдаги ушбу солиқ имтиёзлари илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жорий харажатларни якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритиб, илғор технологиялар ва фан сиғимли маҳсулотларнинг янги турларини яратиш ва ўзлаштириш учун кенг йўл очиб беради. Улар фақат жисмоний жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам тез эскирган асосий фондлар, жумладан, илмий асбоб-ускуналарнинг ҳам янгилашини рағбатлантиради. Улар, бир вақтнинг ўзида, ЁЭЖда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш имкониятини ҳам беради.

– ЁЭЖ томонидан эришилган инновацион фаолиятнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда фойдадан олинадиган солиқни камайтириш йўли билан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини рағбатлантириш имкониятларидан фойдаланиш керак. Бунда корхона эришган инновацион фаолиятнинг даражаси қанча юқори бўлса, тегишли корхоналар шунча кўп солиқ имтиёзлари олиши мақсадга мувофиқ;

– ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари фаолиятига янги замонавий энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш лозим;

– ёқилғи-энергетика тармоғидаги инновация жараёнлари юқори даражадаги ноаниқликлар билан боғлиқ бўлганлиги учун улар ўз-ўзини молиялаштириш ҳажмларининг ўсишига ва инновацияларга инвестициялашга рағбатни кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлардан фойдаланишлари (хусусан, солиқ суммаларини камайтириш, солиқ чегирмаларини жорий этиш, амортизацион имтиёзларни қўллаш ва ҳ.к.), молиялаштиришнинг ташқи манбаларига (жумладан, давлат кафолатлари, кредитларни суғурталаш, имтиёзли субсидиялаштириш ва ҳ.к.) киришини енгиллаштиришлари, молиявий бозорларни янада эркинлаштириш ва янги молиявий инструментлардан, шунингдек, молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланишлари ҳам керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инновацион бозорнинг шаклланиши мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи,

иқтисодиёт интенсив тармоқлари ривожланиш механизмида асосий элементлардан бўлиб малакали илмий-техник, технологик ва молиявий менежмент орқали қўллаб-қувватланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (<http://uza.uz.22-12-2017>).

3. Аллаева Г.Ж. Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Т.: 2018. – 60 б.

4. Никулина О.В., Мирошниченко О.В. Сравнительный анализ особенностей финансирования инновационной деятельности компаний нефтегазового комплекса мировой экономике. Финансовая аналитика: проблемы и решения. 32 (2016) с. 23-39.

5. ЭдерЛ.В., Филимина И.В., Проворная И.В., Немов В.Ю. Основные проблемы инновационного развития нефтегазовой отрасли в области добычи нефти и газа // Бурение и нефть. 2014. № 4. С. 16–22.

6. Савинова Н.Н. Проблемы инновационной деятельности предприятий нефтегазового комплекса // Проблемы современной экономики (Новосибирск). 2013. № 16. С. 55–59.

7. Белозерцева О.В. Перспективы применения инновационных технологий в нефтяной отрасли России // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015. № 8-3. С. 502–505.

8. Токарев А.Н., Кирпиченко В.Н. Проблемы формирования инновационной политики вне нефтегазовом секторе // Инновации. 2013. № 1. С. 121–127.

9. Силкин В.Ю. Инновационная политика в нефтегазовой отрасли: проблемы догоняющего развития // Энергетическая политика. 2014. № 6. С. 46–55.

10. Маков В.М. Особенности финансирования инновационной деятельности на предприятиях нефтегазового комплекса // Современная экономика: проблемы, пути решения, перспективы: сборник научных трудов. Кинель: РИЦСГСХА, 2016. С. 475–479.

11. “Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

12. BP Statistical Review of World Energy 2018. 67th edition. June 2018. (<https://www.bp.com>).